

УДК: 338.46

Г.М.Шадиева
СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЎРНИ

Аннотация: Мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий асослари, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва ўзини ўзи иш билан банд қилиш имкониятлари қараб чиқилган. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларнинг концептуал йўналишлари ёритилган. Шунингдек, миллий иқтисодиётда оилавий тадбиркорликнинг хизматлар соҳасини ривожлантиришдаги роли тавсифланган. Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни родини ошириш орқали оила фаровонлигини таъминлаш бўйича илмий-амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, ўзини ўзи банд қилиш, камбағаллик, камбағаллик даражаси, инновацион иқтисодиёт, аҳоли фаровонлиги, мулкдан фойдаланиш, даромадлар, харажатлар, оилавий мулк.

Аннотация: В статье рассмотрено на относительная совместимость развития предпринимательства, развития семейного предпринимательства и возможностей самозанятости в рамках инновационной экономики. Выделены концептуальные направления вопросов, связанных с развитием семейного предпринимательства. Также описывается роль семейного бизнеса в развитии сферы услуг в национальной экономике. Даны научно-практические рекомендации по обеспечению благополучия семьи за счет повышения роли семейного предпринимательства в сфере услуг.

Ключевые слова: предпринимательство, семейное предпринимательство, самозанятость, бедность, уровень бедности, инновационная экономика, благосостояние населения, использование имущества, доходы, расходы, имущество семьи

Кириш

Инновацион иқтисодиёт шароитида аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорлик, касаначилик соҳаларини қўллаб қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш устувор йўналишларда белгилаб қўйилган.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида¹ миллий иқтисодиётимизни янада ривожлантириш бўйича белгиланган учинчи “миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юкори ўсиш суръатларини таъминлаш” устивор йўналишининг 29- максидида “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш вазифаси белгиланган.

Шу боис, ушбу соҳани тараққий эттириш республика ҳукуматининг доимий диққат-этиборида бўлиб келмоқда. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожига ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон

тадбиркорликнинг улуши юқоридир. Шу билан бир вақтда оила фаровонлиги ва ҳаётининг сифат даражаси кўп жиҳатдан оилавий тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадга ҳам боғлиқ ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликни ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш салоҳиятини янада ошириш йўллари асослаш долзарб масалалар қаторига киради.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологик асосини оилавий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги қонун ости ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарорлари, вазирлар маҳкамасининг қарорлари олинди. Статистик маълумотларни йиғиш ва уларни қайта ишлашда замонавий статистик усуллар ва кузатувлар, қиёсий ва тизимли, анализ ва синтез усулларида кенг фойдаланилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадбиркорликнинг назарий асослари уни ривожланиши масалалари хорижлик олимлардан Ричард Кантильон, Ж.Б.Сей, Смит А., Андре Маршалл, Ж.Б. Кларк. Й. Шумпетер Р.Хизрич, А.Хоскин, Ф.Хайн, россиялик олим Ю. М. Осипов ва бошқа бир қатор олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ушбу муаммолар билан мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Абдуллаев Ё., Каримов Ф., С.Ғуломов, Б.Ходиевларнинг илмий ишларида баён этилган.

Инглиз иқтисодчиси Ричард Кантильон тадбиркорлик тушунчасини илк бор XVII аср охири ва XVIII аср бошларида қўллаган эди.

Унинг фикрича, “тадбиркор - таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишидир”

Шунинг учун, у иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаини ер ва меҳнат омилини деб таъкидлаган.

Машҳур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей (1767-1832) “Сиёсий иқтисод рисоласи” китобида (1803й.) ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омили – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги тадбиркорлик фаолиятидир деб таърифлаган эди.

Ж.Б.Сей (2006). ўзининг илмий тадқиқотларида тадбиркор олган даромад унинг меҳнати, ишлаб чиқаришни ташкил этганлиги, маҳсулотни ўз вақтида сотганлиги учун берилган мукофотдир, тадбиркор таваккал қилиб, бирор-бир маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўз бўйнига олади деб қайд этган.

А. Смит (1723-1790) ўзининг «Халқлар бойликларининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш» (1776й.) номли китобида тадбиркор тушунчасига қуйидагича таъриф берган:

“Тадбиркор – капитал эгаси, у муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, чунки капитални бирор-бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғлиқдир”.

А.Смитнинг (1773) фикрича, тадбиркорликдан олинган даромад, шахсий таваккалчилик учун олинган мукофотдир.

Оилавий тадбиркорлик хусусида ҳам, иқтисодий адабиётларда¹ айрим фикрлар айтилмоқда. Умуман олганда, оила аъзолари даромад (фойда) олиш мақсадида ўзларининг мулкига асосланиб, бирорта фаолият билан шуғулланса, бу оила тадбиркорлигига киради. Бу борада айрим олимларимиз томонидан ҳам тегишли фикрлар айтилган. Жумладан, М.Қ.Пардаев ва З.Н.Қурбоновлар оила тадбиркорлигига “Оилавий мулкка асосланган оила аъзолари иштирок этадиган тадбиркорлик оила тадбиркорлиги деб аталади”² деган таърифни берган. Ушбу таъриф оилавий тадбиркорликнинг мазмунини очиб беради. Аммо унда оила аъзоларининг шу тадбиркорликдан кўзланган мақсади ўз ифодасини топмоғи лозим эди. Шуларни инобатга олиб, юқоридаги муаллифларнинг фикрларини кенгайтирган ва ривожлантирган ҳолда, унга оила аъзоларининг тадбиркорликдан асосий мақсади фойда олиш эканлигидан келиб чиқиб, оила хўжалиги тадбиркорлигига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Оила хўжалиги тадбиркорлиги деб, оилавий мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада оилага даромад (фойда) ва ижтимоий наф келтирилишини кўзлаб қилинадиган эркин танланган фаолиятга айтилади.

Ушбу таърифда оила хўжалигида тадбиркорлик бўлиши учун унда мулк, мақсад ва шуғулланадиган фаолияти ўз ихтиёри ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда эркин бўлиши лозимлиги аниқ ифода этилган. Шундай қилиб, оила хўжалиги иқтисоди ва унда тадбиркорликни такомиллаштириш тўғрисидаги назарий хулосаларни кенгайтириш мумкин. Ушбу келтирилган назарий далиллар қуйидагича хулоса қилишга асос бўлади.

Биринчидан, оила хўжалиги бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида микроиқтисодиётнинг субъектига айланди.

Иккинчидан, оила хўжалиги учун хўжалик юритувчи субъект сифатида ўз мулкига, ишлаб чиқариш воситаларига, иш кучига ва фаолият натижасида оладиган даромадига (фойдасига) эгалик қилиш ҳукуқи пайдо бўлди. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик асосида ижтимоий наф ҳам келтирилиши мумкин. Масалан, тадбиркор ўқитувчи ёки ишбилармон шифокорни олайлик. Улар ўз касбларини малака ошириш ва тажриба орттириш орқали узлуксиз ривожлантириб, такомиллаштириб борадилар. Булар касбий маҳоратини оширишдан кўра инсонларга кўпроқ нафи тегишини ўйлаб иш кўрадилар. Бундай фаолият жамият аъзолари томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилаверади.

Учинчидан, уй хўжалиги тушунчаси оила хўжалиги ва хонадон хўжаликлари тушунчаларига нисбатан кенгроқ эканлиги асосланди. Унда ёлланган меҳнат жалб қилиниши ва шу туфайли фойда ҳам ёлланган кишига ўз меҳнатига қараб тақсимланиши мумкинлиги кўрсатиб берилди.

¹ Пардаев М.Қ., Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. Самарқанд, СамКИ, 1999. – 18 бет., Пардаев М.Қ., Қурбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. Самарқанд, СамКИ, 1999. – 18 бет. Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. - Т.: Шарк. 1999 - 198-223 бетлар. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик, Т.: Меҳнат, 1995 - 137-147 бетлар, Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Т.: 2000. - 84-87, 245-254 бетлар, Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 58-71 бетлар, Шишкин А.Ф. Экономическая теория. Учебник. - М.: Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС, 1996, - Т. 2. - 34-54 бетлар ва ҳ.к.

² Пардаев М.Қ., Қурбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. Самарқанд, СамКИ, 1999. – 18 бет.

Тўртинчидан, оила тадбиркорлиги ҳам ўзига хос тадбиркорлик бўлиб оила мулки ва оила аъзоларининг иш кучига таянади.

Нихоят, оила фаровонлигини оширишнинг муҳим концептуал йўналишлари эндиликда фақат меҳнат ҳақини кўпайтириш йўли бўлиб қолмасдан, балки оила аъзоларининг тадбиркорликни ривожлантириш, мулкни ишлатиш ва хўжалик юритишнинг самарадорлигини ошириш эвазига ўз даромадларини (фойдасини) кўпайтириш кабилардан иборат бўлиб қолмоқда.

Таҳлил ва натижалар

Оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг муҳим жиҳатларидан бири, унинг назарий масалаларини ҳал қилишдан иборатдир. Аммо иқтисодий адабиётларда ҳали оила фаровонлиги тушунчасининг бугунги кун талабига тўлиқ жавоб берадиган таърифи ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли, ушбу муаммо ҳам ўз ечимини кутаётган муаммолардандир.

Шу туфайли, ҳозирги пайтда, оила хўжалигининг иқтисодий муаммосига катта эътибор берилмоқда. Ушбу соҳа иқтисодиёт назарияси фанига киритилди ва у эндиликда микроиқтисодиётнинг субъекти сифатида қаралмоқда³. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, оила хўжалиги тадбиркорлигининг қарор топиши, мамлакатимизда жуда кўп ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилади. Энг аввало, у бозор муносабатларининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар синфини барпо қилади, мамлакатимизнинг бозорини истеъмол товарлари ва турли хизматлар билан бойитиш имкониятини яратади, шунингдек ҳозирги кунда муҳим бўлган муаммони, яъни, янги иш ўринларини яратиш эвазига, ишсизликни бартараф қилиш муаммосини ҳал қилади. Аммо, оила хўжалиги тадбиркорлиги ўз-ўзидан ривожланиб кетавермайди. Уни ҳозирги замон даражасида ривожлантириш, юксак савияда рақобатбардош маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳолатига келтиришга эришиш лозим. Бунинг учун ушбу муаммонинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ қилиб, уларни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Ҳозир Ўзбекистонда оила хўжалиги тадбиркорлиги вужудга келиб ривож топмоқда. “Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши туфайли 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди”¹. Уларнинг риволанишини таъминлаш ва жадаллаштириш учун тегишли оила хўжалиги тадбиркорлари уюшмаларининг ташкил бўлиши тайин. Бундай бирлашмалар орқали оила хўжалигини ривожлантириш ва фаровонлигини ошириш бўйича йирик ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилса бўлади. Келажакда мамлакатимизда оила хўжалиги тадбиркорлари уюшмаларини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳам ҳал қилишни тақозо қилади. Бундай нодавлат ташкилотларининг

³ Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. - Т.: Шарк. 1999 -198-223 бетлар. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик, Т.: Меҳнат, 1995 - 137-147 бетлар, Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Т.: 2000. - 84-87, 245-254 бетлар, Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 58-71 бетлар, Шишкин А.Ф. Экономическая теория. Учебник. - М.: Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС, 1996, - Т. 2. - 34-54 бетлар ва ҳ.к.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 декабрда қилинган Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 30 декабрь. – 1-4 бетлар.

фаолият кўрсатишини ривожлантириш концепциясини ҳам ишлаб чиқиш бугунги кунда ўта долзарб масалалардан биридир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви, унинг эркинлашиши оила хўжалиги даромадининг мазмун ва моҳиятини ўзгартириб, уларни такомиллаштириб бормоқда. Зеро, Ўзбекистонда жамиятнинг барча аъзолари, аҳолининг барча қатламлари манфаатларини кўзлайдиган ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали дастакларни ишлаб чиқиш заруратини туғдирди.

Бу эса, оила хўжалигида даромадларни, уларнинг таркибий тузилишини чуқур ўрганишни, уни ҳисобга олишни тақозо қилмоқда, чунки, аҳолининг юқори ва кам таъминланган қатламларини аниқлаш, айнан уларнинг даромадларини ҳисоблаш орқали амалга оширилади. Аммо, бу бўйича ҳали йирик, ҳар томонлама талабга жавоб берадиган илмий-тадқиқотлар олиб борилган эмас. Шу туфайли, оила фаровонлигини оширишнинг кам таъминланган оилаларни камайитириш орқали эришиш йўллари ишлаб чиқиш ҳам бугунги кунда долзарб муаммолардан биридир.

Бозор муносабатларининг шаклланиши ҳар бир оила хўжалигида даромадларни, унинг таркибий ўзгаришини ҳисобга олиб борилишини тақозо қилади. Чунки, оила хўжалиги мулки ва даромади, энг аввало, таъкидланганидек, давлатимиз миллий бойлигининг бир қисми бўлса, иккинчидан, солиқ объектидир. Бундан ташқари, оила фаровонлигини, унинг камбағаллиги ва бойлик даражасини ўлчашнинг мезони ҳам шу кўрсаткичларга асосланади.

Оила хўжалиги фаровонлигига унинг даромад ва харажатларининг таркибий ўзгаришлари таъсир қилишини инобатга олиб, уларнинг даромадлари ва харажатларининг табақаланишини ўрганиш лозимлигини назарий жиҳатдан асослаш лозим. Бу муаммони қуйидаги йўналишда ўрганиш лозим деган хулосага келинди: шаҳар ва шаҳар типигаги қўрғонларда яшовчилар билан қишлоқда яшовчилар ўртасидаги тафовут; турли соҳаларда банд бўлган оилалар даромадлари ўртасидаги тафовут; оила хўжалигида оила аъзоларининг сони бўйича тафовут кабилар. Ушбу муаммоларнинг ечими ҳам бугунги кунда атрофлича кўриб чиқилмоғи лозим.

Иқтисодиётни рақамлаштириш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши оила хўжалиги даромади мазмунини ва бу билан боғлиқ ҳолатларнинг тубдан ўзгаришига олиб келди. Бу ўзгаришлар қуйидагиларда намоён бўлмоқда: иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга янги иқтисодий категория - иш кучининг қиймати категорияси кириб келди; иш кучининг талаб ва таклиф асосида сотиладиган жойи - меҳнат бозори пайдо бўлди; иш кучига талаб ва таклифнинг ўзгариб туриши оқибатида мутлоқ ва нисбий ишсизлик пайдо бўлмоқда; аста-секинлик билан оила аъзолари, аҳоли ўзларини ўзлари тадбиркорликни ривожлантириш асосида иш билан таъминлаш тамойилига ўтмоқда; оила даромади таркибида янги манбалар - мулкни ишлатиш ва тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар пайдо бўлди; мулкни ишлатишдан олинадиган даромадлар олдин фақат ижара ҳақидан иборат бўлган бўлса, эндиликда, дивидендлар, фоизлар, инвестиция даромади каби даромад турлари кириб келди.

Мазкур ҳолатлар жамиятнинг маълум даражада барқарорлигини таъминлаш билан бирга айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Бу муаммолар замирида оила хўжалиги даромадларининг табақаланиши, ишсизлик ва шунинг натижасида

вужудга келадиган камбағал оилаларнинг пайдо бўлиш муаммоси ётади. Ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли, бизнинг фикримизча, биринчи галда аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ўзини-ўзи иш ва бошқа зарур неъматлар билан таъминлаш тамойилига ўтишнинг зарурлигини сингдириш бўлса, иккинчидан кишиларнинг ҳар қандай фаолиятини моддий жиҳатдан қизиқтириш механизмини жорий қилиш, рағбатлантиришнинг янги-янги усуллари ишлаб чиқишдан иборатдир. Бироқ, ушбу тадбирлар ҳам мамлакатимиз миқёсида, ҳукумат ва Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси даражасида ҳал бўлишни тақозо қилади. Ўйлаймизки, янгидан ишлаб чиқиладиган “Тадбиркорлиги кодекси”да оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ муаммолар ҳам ўз ечимини топади.

Ҳозирги пайтда оила хўжалигининг инвестицияга қўйилган маблағларининг самарадорлигини ошириш йўллари ҳам ишлаб чиқилмоғи лозим. Буларга: лойиҳанинг муддатини узайтириш; лойиҳанинг дивиденд ставкасини кўпайтириш (камайтириш); пул тушумини (оқимини) кўпайтириш кабиларни киритиш мумкин. Аммо бу масалалар ҳам, оила хўжалигига мос ҳолда, етарли даражада ўрганилган эмас.

Мамлакатимиз иқтисодиётида инфляция жараёнлари ҳамон сақланиб қолмоқда. Буни инобатга олиб, оила хўжалиги мулки ва даромадини инфляция шароитида баҳолаш ва таҳлил қилишнинг методологик жиҳатлари ишлаб чиқиши лозим. Оила хўжалиги даромадининг номинал ва реал ставкаларидан фойдаланиб, унинг инвестициядан оладиган даромадининг умумий ставкаси аниқланади. Бу эса, оила хўжалиги инвестициясининг бир йилдан кейинги инфляцияни инобатга олган ҳолдаги қийматини аниқлаш ва бунинг оила хўжалиги фаровонлигига таъсирини белгилаш имконини бери.

Оила хўжалиги иқтисодиётини, унинг фаровонликка таъсирини ўрганиш бўйича маълумотлар танқислиги сезилари даражада. Чунки Давлат статистика қўмитаси олиб бораётган тадқиқотлар ушбу муаммони тўлиқ ҳал қилмайди. Шу туфайли, уни фақат социологик тадқиқотлар ёрдамида амалга ошириш ва тўплаш мумкин. Бунинг учун эса анкета сўровларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бизнинг фикримизча, анкета сўровномасида қуйидаги кўрсаткичлар ўз ўрнини топмози лозимдир. Сўровнома уч қисмдан иборат бўлади:

1. Оила тўғрисидаги умумий кўрсаткичлар.
2. Оила даромадлари таркиби.
3. Оила харажатлари таркиби.

Ҳар бир қисмида бир қанча кўрсаткичлар ифода этилади.

Бизнинг фикримизча, илмий хулосалар чиқариш учун ушбу кўрсаткичлар бўйича тўпланган маълумотлар етарлича асос бўлади. Чунки, ушбу кўрсаткичлар асосида оила даромадлари ва харажатларини оилаларнинг умумий сони, унда ишлайдиганларнинг сони, ишламайдиганларнинг улуши каби белгилари билан таснифлаш мумкин. Ушбу маълумотлардан яна бир қанча янги нисбий кўрсаткичларни ҳам аниқлаш мумкин. Буларнинг ҳаммаси тегишли хулосалар чиқариш учун асос бўлиши мумкин.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кура, ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра 38,4 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 15,5 мингтага ёки 167,7 % га ошганлигини кўриш мумкин. (**Диаграмма 1.**)




Диаграмма 1. Оилавий корхоналар сони

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 35,9 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 13,8 мингтага ёки 162,7 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йил январь-июнь ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони 9,8 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 3,0 тага ёки 143,1 % га ошганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, % да (2020 йил 1 январ ҳолатига)

1-жадвал

Хизматлар соҳаси иқтисодий фаолият турлари	Корхона ва ташкилотларнинг улуши, % да
Савдо фаолияти	38,6
Яшаш ва овқатланиш	9,8
Ташиш ва сақлаш	5,9
Ахборот ва алоқа	3,0
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	3,0
Бошқа турдаги фаолият турлари	39,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Республикада фаолият кўрсатаётган хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида савдо фаолияти - 38,6 %, яшаш ва овқатланиш – 9,8 %, ташиш ва сақлаш – 5,9 %, ахборот ва алоқа – 3,0 %, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар – 3,0 % ҳамда бошқа турдаги фаолият турларида – 39,7 %ни ташкил этади (1-жадвал).

Хулоса ва таклифлар

Агарда, оила даромадлари ва харажатлари бўйича маълумотларни тўплашга оид бизнинг тавсияларимиз амалда қўлланилса, ўйлаймизки, мамлакатимиз оилаларининг даромадларини кўпайтириш, харажатларини оптималлаштириш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти туғилади. Бу кўрсаткичлар бозор муносабатлари шароитида ўта муҳимдир. Чунки, ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун уларнинг имкониятларини ҳисобга олиб боришлари лозим. Бу ахборотлар орқали амалга оширилади. Муҳими оилалар кесимида камбағаллик даражасини ҳам аниқлаш ва мос равишда аниқ шароитдан келиб чиқиб уни бартараф қилиш йўллари ҳам ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши оила хўжалиги тадбиркоридан нафақат тадбиркорлик бўйича, балки иқтисодий ишларни юритиш бўйича ҳам ўта билимдонликни, зийракликни талаб қилади. Тадбиркорнинг иқтисодий билими кенг қамровли бўлиши оила хўжалиги даромадига яна кўпроқ даромад келтиради, энг муҳими, мулкни янада кўпайтиради. Ундан ҳам муҳими, мулкнинг ҳажми мулкни ишлатиш орқали ошади. Бу эса, оила хўжалигининг, бутун аҳолининг, давлатнинг ҳам бойиши, иқтисодий қудратининг мустаҳкамланиши учун асос бўлади.

Бу жараённинг аҳамияти фақат кўриб чиқилган масалалар билан чекланиб қолинмайди. Оила ёки уй хўжалигини юритиш, оила тадбиркорлиги билан шуғулланиш фақат оила фаровонлигини таъминлабгина қолмасдан, янги иш ўринларини очиш эвазига аҳолини иш билан таъминлайди, давлатни эса улардан олинadиган солиқлар эвазига бойитади, жамиятимизда тўкин-сочинликка эришилади. Оила хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нафақат ўзларининг эҳтиёжини қондиради, балки, мамлакат бозорини ҳам маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) билан тўлдиради. Энг муҳими, унинг маънавий аҳамияти ҳам беқиёсдир, чунки оммани боқимандалик руҳиятидан холи қилади, ташаббускорликни ва интилувчанликни сингдиради ва таъминлайди. Бу пировардида жамиятнинг, омманинг фаоллигини оширади, бозор муносабатлари демократик тамойилларининг шаклланиш жараёнини тезлаштиради.

Ҳозир Ўзбекистонда, таъкидланганидек, 2022 йил 1 январ ҳолатига 35,1млн нафар киши истиқомат қилмоқда. Мамлакатимизда ўртача оила аъзолари сони 5,1 нафар кишини ташкил қилади. У ҳолда, бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича, оилалар сони республикамызда 6,9 млн.тани ташкил қилади. Агар, ҳар бир оилалардан камида биттадан тадбиркор етишиб чиқадиган бўлса, мамлакатимиз бўйича яна 6,9 млн. қўшимча иш ўрни яратилади. Бу мамлакатимиз истеъмол бозорининг тўкин-сочинлигини таъминлайдиган муҳим омиллардан биридир. Агар, ҳар бир тадбиркор ўз оиласига бир йилда ўрта ҳисобда 100,0 млн. сўмдан фойда келтирса, бу оила фаровонлиги учун Республика бўйича 6900,0 млн. сўм қўшимча фойда келтиради. Уларнинг ўрта ҳисобда 30 фоизи давлат (маҳаллий) бюджетга солиқ ва бошқа тўловлар сифатида тушадиган бўлса, бюджетга яна 2070,8 млн. сўм қўшимча даромадни вужудга келтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади – одамларимизга, ҳар бир оилага муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборатдир. Бу албатта, нақадар мураккаб ва масъулиятли вазифа. Бундай мақсадга эришиш учун фақат амалий тадбирларни амалга оширишгина етарли эмас. Ушбу соҳани чуқур тадқиқ қилиб, ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишни ҳам тақозо қилади. Шу мақсадда таълим муассасаларида “Оилавий тадбиркорлик” ва “Ўзини ўзи банд қилиш йўллари” “Оила иқтисоди” номли дарсларни киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бироқ, инновацион иқтисодиётни шакиллантириш, оилавий тадбиркорликка ҳам рақамли технологияларнинг жорий қилиниши бу муаммога янгидан ёндошишни талаб қилмоқда. Шундай қилиб, оила хўжалигининг микроиқтисодиётнинг субъектига айланиши нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга эканлигини, унинг мамлакатда аҳолини иш билан банд қилиш орқали камбағалликни тугатиш, уларнинг фаровонлигини ошириш билан бирга давлатнинг ҳам қудратини кучайтириш имкониятларини ҳам яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 декабрда қилинган Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 30 декабрь. – 1-4 бетлар.
2. Пардаев М.Қ., Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. Самарқанд, СамКИ, 1999. – 18 бет., Пардаев М.Қ., Қурбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. Самарқанд, СамКИ, 1999. – 18 бет.
3. Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. - Т.: Шарк. 1999 -198-223 бетлар.
4. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик, Т.: Мехнат, 1995 - 137-147 бетлар,
5. Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Т.: 2000. - 84-87, 245-254 бетлар,
6. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 58-71 бетлар, Шишкин А.Ф. Экономическая теория. Учебник. - М.: Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС, 1996, - Т. 2. - 34-54 бетлар ва ҳ.к.
7. Shadieva, G., Azamatovna, T. D., & Abdukhalilovich, S. B. (2022). The role of retail trade in increasing the standard of living of the population. International journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 64-67.
8. Шадиева, Г. М., & Садинова, Б. Б. (2022). Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш йўллари.